Ушбу сонда:
2 *Ташаббус* НИЯТ ХОЛИС БЎЛСА
3 ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР
4 КУЛГУ— ЧЕҲРАНИНГ ГУЛИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 20 апрел, сешанба № 65 (1698)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Касаба уюшмалари бозор шароитида*

## ОРОЛ МИНТАҚАСИ
### мардлар маскани

***Ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш вазифаси касаба уюшмалари зиммасига катта масъулият юклайди.***

Сафларида юз минглаб кишиларни бирлаштирган Қорақалпоғистон республикаси касаба уюшмалари ўз аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича муайян ишларни амалга оширмоқдалар.

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг учинчи қурултойи талаблари ва Ҳаракат Дастуридан келиб чиққан ҳолда ташкилотчилик ва ташаббускорлик фаолияти янада кучайтирилаяпти. Бошланғич ташкилотларнинг бозор иқтисодиёти шароитида инсон манфаатларини муҳофазалаш соҳасидаги масъулияти янада ошди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси билан ҳамкорликда тузилган меҳнат, ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид келишувларнинг ижросига алоҳида аҳамият қаратилган. Якунлар шуни кўрсатиб турибдики, унга киритилган 52 банднинг қирқдан ортиғи бажарилди.

Элликқалъа, Беруний, Тўрткўл, Хўжайли, Тахтакўпир туманлари ва Тахиатош шаҳридаги тармоқ касаба уюшма қўмиталари жамоа шартномалари мазмун-моҳиятига янгича ёндашиб, маҳаллий ҳокимият идоралари билан муносабатларда ижтимоий шерикчилик тамойилларини такомиллаштираяптилар.

Вазирликлар, бошқарма ва бирлашмалар ўртасида 33 та битим, корхона, ташкилот ва муассасаларда 1178 та жамоа шартномалари тузилган бўлиб, уларда белгиланган имтиёзлар амалга оширилган. Халқ таълими ва фан, автотранспорт ва йўл хўжалиги, маданият, енгил, мебел саноати ва коммунал хизмат хўжалиги, савдо, матлубот жамияти ва тадбиркорлик тузилмалари, давлат муассасалари ва жамоат хизмати, қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаларининг фаолиятида ижобий ўзгаришлар рўй берди.

«Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан тузилган тадбирларда кам таъминланган оилалар, ногирон, боқувчисидан жудо бўлган фуқаролар ва ёлғиз кексаларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, нафақага чиққан, ёш боласини парваришлаётган ва ишлаётган оналарга ғамхўрлик қилиш каби масалалар ўз ифодасини топган.

Ишловчилар учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиб бериш асосий йўналишлардан бири. Ҳар йили ўтказилаётган жамоат назорати кўрик танловларида касаба уюшмалари фаол иштирок этмоқда. Ишлаб чиқаришда содир бўлаётган бахтсиз ҳодисалар камайганлиги, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига эътибор оширилганлиги ишда муваффақиятни таъминлаяпти.

Касаба уюшмалари аралашуви билан меҳнат жараёнида жароҳат олган ишловчиларга моддий ёрдам кўрсатилди. 39 фуқарога 22 миллион 600 минг сўм миқдорида товон пули ундириб берилди. Хўжайлидаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига 19 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди. Қариялар ва фахрийларга 22 миллион сўмлик ҳомийлар кўмаги берилди. Республика кенгаши кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган нафақахўрлар, кўзи ожизлар, болалар уйлари ва махсус мактаб-интернатлар жамоаларига 90 миллион 633 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш қатъий назоратга олинди. Иш берувчилар, маҳаллий ҳокимият, суд ва прокуратура идораларига 88 марта мурожаатномалар киритилиб, 200 миллион сўм иш ҳақи ундириб олинди.

Фольклор-этнография дасталари ва бахшилар иштирокида ўтказилган кўрик-танловлар қадимий халқ қўшиқлари ва ўланларини тиклаш имконини яратмоқда. Бу борада Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ва Бошқирдистон халқ артисти Байрам Матжонов раҳбарлик қилаётган маданият ходимлари касаба уюшма тармоқ қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари юксак ташкилотчилик кўрсатмоқда.

Элликқалъа туманидаги «Орол болалари» соғломлаштириш маркази ва Нукус шаҳридаги «Юлдузча» дам олиш оромгоҳида ўтказилган семинар-кенгашлар, Ўзбекистон Қаҳрамони А.Ўтениёзов иштирокида уюштирилган давра суҳбати, ҳарбий бўлинма аскар ва зобитлари билан учрашувлар касаба уюшмаларининг кенг жамоатчилик билан алоқасини мустаҳкамлашида муҳим ўринни эгаллади.

Жисмоний тарбия ва спорт ишларининг оммавийлигига эришилаяпти. Қорақалпоғистон спортчилари оғир атлетика бўйича Ўзбекистон биринчилигида икки марта 1-ўринни эгалладилар. Кураш бўйича Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида, Туркияда бўлиб ўтган мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритдилар. Касаба уюшмалари спорт жамияти орқали 11 та спорт усталари, 154 та спорт усталигига номзодлар ва 196 та биринчи тоифали спортчилар тайёрланди.

Орол минтақасида юзага келган экологик шароит фуқаролар тўғрисида ғамхўрликни кучайтиришни, аҳоли турмуш шароитларини янада яхшилашни талаб қилади. Кейинги икки йил ичида мамлакатимиз санаторийларида 4 минг нафардан ортиқ киши даволаниб, уч минг нафар хотин-қизлар қўшни вилоятлар оромгоҳларида дам олишди. Меҳнаткашларнинг дам олиши, даволаш-профилактика тадбирларига 238 миллион сўм маблағ сарфланди. Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган, Самарқанд вилоятларида жойлашган оромгоҳларда Оролбўйининг 25 минг 600 нафар ўғил-қизлари соғломлаштирилди.

Касаба уюшмалари фаолияти камчиликлардан ҳоли эмас, албатта. Барча корхоналарда ҳам жамоа шартномаларида қўйилган вазифаларнинг тўла-тўкис бажарилаяпти, деб бўлмайди. Шартномалар ижросини назорат қилиш бўшаштириб юборилган. Савдо, маиший хизмат, кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кўпчилигида бошланғич ташкилотлар тузилмаган. Ишсизлик муаммоси тўлиқ ҳал этилган эмас. Бундай камчиликлар касаба уюшмалари Кенгашига меҳнаткашлардан тушган 275 та аризада ўз ифодасини топган. Текширишлар ўтказилганда, айрим раҳбарлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси талаблари бузилаётганлиги аниқланди.

**С.НИЯТУЛЛАЕВ,**
**Қорақалпоғистон республикаси касаба уюшмалари Кенгаши раиси**



Қўнғирот сода заводининг наинки мамлакатимиз, балки улкан минтақа иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашимиз ўринли бўлади. Маълумки, мажмуани барпо этишга Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан киришилган эди. Ўтган 9 йилда бу ерда кенг кўламдаги ишлар бажарилди. Бир неча йиллик қурғоқчиликдан кейин Аму ўзани ва Орол денгизи бўсағасидаги кўллар оби-ҳаётга тўла бошлади. Мамлакат истиқболида муҳим ўрин тутадиган бу улкан корхонани мумкин қадар тезроқ қуриб битказишни алоҳида вазифа қилиб қўйди. Қиймати 32,3 миллион АҚШ долларидан иборат бу лойиҳанинг асосий қисми ҳаётга татбиқ этилди. Ҳозиргача 16 миллион АҚШ доллари миқдоридаги асбоб-ускуна қурилиш майдончасидан ўрин олиб монтаж ишлари бошлаб юборилди.

***Суратларда: «Қўнғиротсодақурилиш» акционерлик жамияти монтажчиси Мадрим Матризаев; қурилишда иш қизғин.***

**Д.ТОҲИРОВ**
**олган суратлар**



*Қарор ва ижро*

## БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗГА ЭҲТИРОМ

***Юртимизда истиқлол йилларида неча минг йиллик тарихий-маънавий қадриятларимиз қайта тикланиб, буюк аждодларимиз қолдирган бой маънавий мерос ҳар томонлама чуқур ўрганилмоқда. Уларнинг мангу қўним топган манзиллари боғу гулзорларга, обод зиёратгоҳларга айлантириляпти. Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Мотрудий каби буюк аждодларимизнинг қабрлари мўътабар қадамжоларга айлантирилгани, буюкларимизга кўрсатилаётган эҳтиром - бунинг яққол тасдиғидир.***

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 25 мартдаги қарорига мувофиқ бу йил яна бир буюк ватандошимиз, ўз даврида диёримизда тинчлик ва аҳилликни қарор топтиришга, муқаддас ислом дини, ислом фалсафаси ривожига катта ҳисса қўшган мутафаккир Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги кенг нишонланади. Айни пайтда жойларда мазкур тўйга қизғин тараддуд кўрилмоқда.

Буюк аждодларимизнинг қабрларини, улар билан боғлиқ меъморий обидаларни таъмирлаш ва обод гўшаларга айлантириш мамлакатимизда анъана тусини олди. Бироқ тақдир тақозоси билан ўзга юртларда дафн этилган юртдошларимизнинг сўнгги манзиллари қай аҳволда? Уларнинг барчаси ҳам ободми? Хорижда яшаб ўтган буюк ватандошларимизнинг қабрларини ободонлаштириш учун нималар қилинмоғи лозим?

Бобур халқаро жамғармаси раиси, Олий Мажлис депутати Зокиржон МАШРАБОВ ЎзА мухбирига бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

-Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида бой маданий-маънавий меросимизни, миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизни тиклашга катта эътибор қаратилмоқда, - деди З.Машрабов. - Юртбошимиз иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг 11-сессиясида буюк аждодларимизга ҳурмат-эҳтиромни янада кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида дафн этилган аждодларимизнинг қабрларини ободонлаштириш борасида таклиф билдирганди. Бу борада мамлакатимиз парламенти 2003 йилнинг 5 майида махсус қарор қабул қилди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Бобур халқаро жамғармасининг илмий экспедицияси 2003 йил 21 декабр - 2004 йил 20 феврал кунлари Яқин Шарқ ва Арабистон ярим оролидаги мамлакатларда илмий сафарда бўлди.

*(Давоми 4-бетда)*

## МЕҲНАТ ҚАДРЛАНГАН ЖОЙДА

***“Меҳр ва мурувват йили” муносабати билан “Қарши ёғ- экстракция” акциядорлик жамияти бошқаруви дастур доирасида аввало ўз ишчи-хизматчиларининг моддий аҳволини яхшилашга бел боғлади.***

470 нафар жамият аъзоларининг ҳар бирига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилишлари учун 50 минг сўмдан мукофот пули берилди. Чорак якунида ҳар бир ишчи-ходимга бир тоннадан шулха маҳсулоти тарқатиш йўлга қўйилди. Шу пайтгача меҳнаткашларнинг ўртача ойлик маоши 87 минг 500 сўмни ташкил этган бўлса, 2004 йил бошидан у 25 фоизга оширилди. Айни пайтда ўртача маош 102 минг сўмга етказилди. Бундан ташқари, жамоа аъзолари ва пенсионерларнинг йил давомида бепул даволанишлари учун ҳам маблағ ажратилиб, тегишли шифохоналар билан шартномалар имзоланди.

- Аввало жамоамиз манфаатдорлигини кўтариб тўғри йўл тутдик, - деди жамият кузатув кенгаши раиси М. Сайдалиев. “Туркистон-пресс” мухбирига - “Меҳр ва мурувват йили” дастури доирасида шунингдек, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлимига 45 миллион сўм, М.Улуғбек номидаги ўрта умумтаълим мактабини таъмирлаш ва ўқувчиларга ўқув қўлланмалари олиб беришга 300 минг сўм, теннис клубига эса 2 миллион сўм маблағ сарфладик. Айни вақтда Қарши шаҳридаги болалар истироҳат боғини таъмирлаш ишларига ҳам яқиндан ёрдам бераяпмиз. Саховат йўналишида ҳали амалга ошириладиган режаларимиз бисёр.

Корхона бир кеча-кундузда 400 тонна чигитни қайта ишлайди шундан 70 тонна ёғ, 160 тонна шрот, 146 тонна шулха маҳсулотлари ишлаб чиқаради.Ўтган йилги соф даромад ҳисобидан акциядорларга 80 миллион сўм маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда.

## ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА КЕНГАЙИШ

***Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Европа Иттифоқининг кенгайишини нишонлашга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.***

Маълумки, Европа Иттифоқини кенгайтиришнинг дастлабки йиллардаги муваффақиятли босқичидан сўнг унинг аъзолари сони олтитадан ўн бештага кўпайди. 2004 йилнинг 1 майидан эса Венгрия, Кипр, Латвия, Литва, Малта, Полша, Словакия, Словения, Чехия ва Эстония давлатлари ҳам ЕИ аъзоси бўлишади. Кенгайишни нишонлашга бағишлаб ўтказиладиган тадбирларнинг матбуот анжуманида Тошкентдаги Европа уйи раҳбарияти ва Германия, Франция,Чехия элчихоналарининг вакиллари иштирок этишди.

Тадбирлар дастурига мамлакатимизда Европа уйи ҳамда Европа давлатларининг элчихоналари томонидан фотосуратлар кўргазмаси, Давлат консерваториясида Европа концерти шунингдек, университет талабалари иштирокида илмий-амалий семинар ўтказилади. Семинарда республикамиздаги Иқтисодиёт университети ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетларининг талабалари қатнашишади.

Кўргазмадаги 250га яқин фотосуратларда Европа Иттифоқига аъзо ҳар бир давлатнинг ҳаёти, маданияти акс эттирилган бўлиб, у ўн кун мобайнида "ЎзЭКСПО"марказида намойиш этилади, -деди Европа уйи раҳбари Питер Реддич "Туркистон-пресс" мухбирига. - Ушбу суратларни Ўзбекистоннинг вилоятлари марказларига олиб чиқишни ҳам режалаштирганмиз. Тадбирни Ўзбекистонда ўтказишимиздан мақсад, ЕИнинг ҳамкорликдаги фаолиятини кўрсатиш ва Марказий Осиё давлатларини ҳам бу ҳамкорликка даъват этишдан иборат.

*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

## БУ БОҒЛАРНИНГ ИЛДИЗИ

Яккабоғ туманининг тарихи ҳақида кўплаб ривоятлар мавжуд. Улардан бирида айтилишича, фарзанд кўрмаган бир одам ўтган-қайтганлар дуосини олиш учун боғ барпо этган экан. Йўловчилар боғнинг асалдек узуми ва меваларидан баҳраманд бўлишиб, боғ яратган инсонга раҳматлар ёғдиришар экан. Орадан йиллар ўтиб, саховатпеша инсон қўша-қўша фарзандли бўлибди.Мурод-мақсадига етибди. Шундан буён бу гўшани Яккабоғ, деб аташади. Замонлар ўтиши билан бу заминда юзлаб боғлар бунёд этилган. Ҳозирги вақтда «Турнабулоқ», «Турон», «Қизилсув», «Ишкент», «Қуштол», «Яккабоғ» боғдорчилик ва узумчилик каби ўнлаб хўжаликлар мавжуд.

Яккабоғ туманидаги «Яккабоғ» боғдорчилик хўжалиги ҳудудида 600 нафар киши истиқомат қилади. Дастлабки йилларда боғдорчилик хўжалигига раҳбарлик қилган фаоллар мева ва узумларни энг яхши навларини экиб, меҳр билан парвариш қилишган. Юзлаб гектар майдонларни боғ-роғларга айлантиришган.

Яккабоғ боғдорчилик хўжалигига раҳбар, илғор бўлим ва бригада бошлиқлари бўлиб ишлаган, тажрибали боғбон, меҳнат фахрийлари марҳум Шукур Примов, Халил Ҳайитов, ҳамда Зиядулла Бекназаровларни ҳамма ҳурмат ва эҳтиром ила тилга олишади. Зиядулла Бекназаров хўжалик иқтисодини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшди. У қишлоқларни ободонлаштириш, янги ҳосилдор боғлар яратишда ташкилотчилик қилди. Отахон меҳнат фаолияти даврида ўнлаб малакали боғбонларни тарбиялади. Улар ҳозирда хўжаликда бош-қош бўлиб боғдорчиликни ривожлантиришмоқда.

Зиядулла Бекназаров нафақага чиққандан сўнг, хўжаликка фарзанди Шуҳратжон Бекназаров раҳбарлик қилди. Ёш мутахассис ҳар бир ишни етти ўлчаб, бир кесадиган, ишбилармон йигит. У хўжалик фаоллари билан кенгашган ҳолда иш олиб борди.

– Хўжалигимиз боғбонлари, – дейди биз билан суҳбатда Шуҳратжон Бекназаров, – 586 гектар мевазор, 280 гектар узумзорларни меҳр билан парвариш қилиш, ишлов бериш, суғориш, зарарли ҳашаротларга қарши кураш каби агротехник тадбирларни намунали ташкил этганликлари натижасида ўтган йили 285 тонна мева, 310 тонна ширин-шакар узум етиштиришга эришишди. Илғор пудратчилардан Меҳри Бобоқулова, Нормурод Жонқобилов, Собир Турдиевлар маҳсулот етиштиришда жамоа ўртасида пешқадам. Шу даромад ҳисобидан хўжаликнинг «Мевазор», «Каттабоғ» қишлоқлари табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланди. Хўжалик марказида врачлик амбулаторияси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини эътиборга олиб, янги боғлар ташкил этмоқдамиз.

Олмаларнинг бозорбоп бўлган «Семеренко» нави кўпайтирилмоқда. Бу олмани май ойига қадар сақласа бўлади. 60 гектар майдонга «Голденцур», «Голден-Плишест», «Боровенко» навларидан экилди. Узумнинг хўраки ҳамда винобоп навлари бор. Биргина жорий йилнинг ўзида 150 гектар майдонга шафтоли, қора гилос, нашвати, «Длишест», «Боровенко», «Горцсорт» навли олма кўчатлари экилди.

Моддий манфаатдорлик бор жойда иш ҳам яхши кетади. Иш ҳақи ўз вақтида бериб борилади. Илғор ижарачиларга ўтган йили 2 та рангли, 8 дона оқ-қора телевизор, магнитофон, гилам совға қилинди.

**Хайрулла ТЎРАЕВ**

*Излаган имкон топади*

Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Қайсики корхона, ташкилот ва муассасада буни раҳбарият тўғри англаган бўлса, ўша ерда маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори ва сифати ортмоқда. Ҳамма қатори «Ўзтрансгаз»га қарашли Магистрал газ узатиш тармоқлари Урганч ишлаб чиқариш бошқармасида ҳам бу борада хайрли ишлар амалга оширилмоқда. 399 нафар фуқаро меҳнат қилаётган бу корхонада ўтган йили ўртача ойлик маош 101 минг 800 сўмни ташкил қилди. Тунги сменада ишлаётганларга 50 фоиз, байрам ва дам олиш кунлари хизмат вазифасида бўлганларга 100 фоиз қўшимча ҳақ тўланди. Ишчиларга махсус кийим-бош учун 9 миллион 478 минг сўм, иссиқ овқат ва профилактика мақсадларида бериладиган сут маҳсулотлари учун 38 миллион 522 минг сўм ишлатилди.

## ЎРТАЧА ОЙЛИК 100 МИНГ СЎМ

Булардан ташқари, бошқарма бошқаруви қарори билан никоҳ тўйларида 12 нафар ёшларга 652 минг 800 сўм, тантаналар ва тўйларда рағбатлантириш мақсадида 639 минг 300 сўм, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олишга 8 миллион 442 минг сўм берилди. Ногирон болалари бор, кам таъминланган оила аъзолари бўлган ходимларни қўллаб-қувватлаш ниятида 1 миллион 186 минг 800 сўм, бахтсиз ҳодисаларга учраган ишчи-хизматчиларга 666 минг 900 сўмлик моддий кўмак кўрсатилди.

Йил давомида ходимлар саломатлигини тиклашга алоҳида эътибор қаратилди. Ишчи-хизматчиларнинг сиҳатгоҳларда соғлиқларини тиклашлари учун 4 миллион 336 минг сўм сарфланди. Ишчиларнинг фарзандларидан 53 нафари оромгоҳларда дам олишди.

Бошқармада узоқ йиллар меҳнат қилиб пенсияга чиқиш даврида бир марталик нафақа сифатида бир миллион 963 минг сўм тарқатилди.

**Султон АВАЗОВ**

*Қинғир ишнинг қийиғи*

## ТУШУМНИ ЯШИРМОҚЧИ БЎЛИШДИ

***Халқнинг турмуш фаровонлигини яхшилашда, ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантиришда солиқлар ўз вақтида тўланишининг, нақд пул муомаласида қонунда белгиланган тартибларга риоя қилинишининг аҳамияти катта. Иштихон туман давлат солиқ инспекцияси ходимларининг саъй-ҳаракати ана шу вазифани удалашга қаратилган. Натижада туманда жорий йилнинг ўтган даврида барча тўловлар режага нисбатан анча ошириб бажарилишига эришилди.***

Аксарият корхоналар ва фуқаролар солиқлар ҳамда бошқа тўловлар бўйича давлат олдидаги ўз мажбуриятларини бенуқсон бажариб келишмоқда.

Лекин белгиланган тартибларга амал қилмайдиганлар, нақд пул тушумларини яширадиганлар ҳам учраб қолаётганлиги ташвишлидир. Солиқчилар томонидан ўтказилган текширишларда ана шундай ғирромликлар фош бўлиб қолди.

Тумандаги «Азамат» савдо бирлашмасида 146 минг сўм, «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида 2 миллион 668 минг сўм, «Зарбанд» ширкат хўжалигида 1 миллион 429,7 минг сўм, туман почта-алоқа шуъба корхонасида 36 миллион сўм нақд пул тушуми банк муассасаларига топширилмаган. Бу ҳолатлар бўйича мансабдор шахсларга тегишли маъмурий жазолар кўрилиб, белгиланган тартибда жарима қўлланилди.

Вилоят Ички ишлар Бош Бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган назорат тадбирларида бошқа салбий ҳолатлар ҳам маълум бўлиб қолди. Масалан, фуқаро Ш.Муродова ҳеч қандай рухсатномасиз спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини сотаётганда қўлга тушди. Ноқонуний савдодаги маҳсулот олиб қўйилди. Иштихонлик М.Абдуахатова ёқилғи танқислиги пайтида ноқонуний савдога қўл урди. А.Зиётов эса ўз дўконига назорат-касса машинасини ўрнатмай, фаолият юритаётган экан. Бу шахслар белгиланган даражада жавобгарликка тортилди.

**Д.МУСТАЕВ,**
**Иштихон туман ДСИ бошлиғи**

# ИЖРО ҲУЖЖАТИ

## даъвогарга ижросиз қайтарилди. Нега?

***«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинганига ҳам 2 йилдан ортиқроқ муддат бўлди. Ушбу Қонун мазкур жараён ижрочилигида муҳим ўрин тутмоқда. Илгари ижрони амалга оширишда меъёрий ҳужжат «ижро қўлланма»сигина бўлиб, суд ижрочисининг мақоми ва иш вазифаларини аниқ белгилаб беролмас эди. Эндиликда юқоридаги Қонунга биноан суд ижрочилари суд ҳокимияти таркибидан ажралиб чиқиб, ижро ҳокимияти таркибида алоҳида фаолият кўрсата бошлади.***

Албатта, бошқа органлар яъни прокуратура, солиқ, ички ишлар органлари, қолаверса, суд органи олдида ўз ўрнини топиши ва ўз мавқеига эга бўлиши учун Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш Департаменти, унинг ҳудудий бўлимлари ҳамда туман ва шаҳар суд ижрочилари бўлинмалари томонидан анчагина ижобий ишлар амалга оширилди. Энг аввало, республика департаменти барча бўлинмалари замонавий техника яъни компьютерлар ҳамда янги мебеллар билан тўлиқ таъминланди. Бунинг натижасида ўтган йилларга нисбатан жами ундирувлар, хусусан, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган жиноятлар натижасида етказилган зарарларни давлат фойдасига ундирувларни амалга ошириш, хўжалик ишлари билан боғлиқ ундирувлар давлат фойдасига боқиманда қарзларни ундириш бўйича, шунингдек, бошқа турдаги ижро ҳужжатларининг ижросини амалга оширишда ижобий натижаларга эришилмоқда.

Мазкур Қонуннинг 23-моддасига биноан суд ижрочиларининг қарорига асосан ижро ҳужжатлари талабини ихтиёрий равишда белгиланган 5 кунлик муддатда узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган тақдирда Қонуннинг 82-моддаси бўйича ана шу суд ижрочисининг қароридан келиб чиқиб, жисмоний шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваригача, мансабдор шахсларга эса энг кам ойлик иш ҳақининг 15 бараваригача миқдорда жарима солиш ҳуқуқи берилган. Шунга асосан бизнинг бўлинма суд ижрочилари томонидан 2003 йилнинг 10 ойи мобайнида 18 нафар жисмоний ва мансабдор шахслар 666253 сўм миқдорида жаримага тортилиб, ушбу жариманинг 550.340 сўми тўлиқ ундирилди. Мажбурий ижрони амалга ошириш фаолияти давомида ижро учун келиб тушадиган ҳужжатларнинг бир қисмини фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ижро ҳужжатлари ташкил этади. Бу турдаги ундирувлар умумий ундирилиши лозим бўлган миқдор 105105924 сўм бўлган бўлса, унинг 75942205 сўми ундирилди. Масалан, Миробод фуқаролик ишлари судининг 12 сентябр 2003 йилдаги ҳал қилув қарорига асосан даъвогар С.Нажмиддинов фойдасига жавобгар К.Исаковадан 4.122.263 сўм ва Давлат фойдасига 100000 сўм давлат божи ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатига биноан 9 сентябр 2003 йилдаги ижро иши қўзғатилган эди. Олиб борилган ижро ҳаракатлари натижасида 17 октябр 2003 йилда 100000 сўм миқдорида давлат божи тўлиқ ундирилиб, даъвогар фуқаро С.Нажмиддинов фойдасига 500000 сўм ундирилганди. Аммо, даъвогар барча пуллар тўлиқ ундирилмаса, бу пулни олмаслигини ёзма равишда билдирган эди.

Бектемир туман суд ижрочиси И.Кўчқоров саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ юқоридаги пул миқдори тўлалигича ундириб берилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ, баъзи ҳолатларда фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ундирувларни амалга ошириш қийин кечади. Бу ҳол даъвогарлардан ариза ва шикоятларнинг келишига сабаб бўлади. Масалан, Миробод фуқаролик ишлари бўйича туман судининг 1 май 2003 йилдаги, фуқаро А.А.Кимдан даъвогар К.Муҳамедова фойдасига ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори бўйича ижро иши қўзғатишга оид қарори 28 май 2003 йилда чиқарилган ва ижро ҳаракатлари бошланган эди. Маълум бўлишича, кўрсатилган манзилда қарздорнинг узоқ қариндошлари яшар, уйини улар қарзи ҳисобига сотиб, Россия Федерациясига чиқиб кетган. Суд ҳал қилув қарорини қарздорнинг судга келмаганлиги сабабли сиртдан чиқарилган тегишли муассасаларга юборилган сўровномаларга асосан қарздорнинг номида омонат жамғармалари, автомашина, уй-жой ва бошқа маблағлар йўқлиги аниқланди. «Суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 76-моддасига асосан қарздорга ва қарздорнинг мулкига нисбатан қидирув эълон қилиш учун бўнак бадали тўлаш таклиф қилинганда даъвогар рози бўлмади. Натижада ушбу ижро ҳужжати қонуннинг 40-моддси 3-бандига асосан даъвогарга ижросиз қайтарилади.

**Ҳолбой ОДИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар Бектемир туман суд ижрочилари бўлинмасининг катта суд ижрочиси**



# ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Нишон тумани Ички ишлар бўлинмаси ходимлари аҳоли ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга катта аҳамият беришмоқда.

***Суратда: бўлим раҳбари милиция майори Алишер Авазмуродоов, ходимлар Шерназар Хожиев (ўртада) ва Юсуф Бердиевлар навбатдаги иш режасини муҳокама қилмоқда.***

**Ш.СУЛТОНОВ**
**олган сурат**

# ЭКСПЕРТИЗА ЛАБОРАТОРИЯСИ

## талабга жавоб бермаса...

Ҳозирги кунда дунё мамлакатларида парранда ва уй ҳайвонларида турли юқумли касалликлар учраётгани барчани чуқур ўйлантирди ва ҳушёр торттирди. Шуни эътиборга олиб, яқинда Оролбўйи табиатни муҳофаза қилиш прокуратураси давлат ветеринария бошқармаси тизимларида табиатни муҳофаза қилиш қонуни талабларининг бажарилиши аҳволини текшириб чиқди.

Маълум бўлдики, давлат ветеринария бошқармаси Ўзбекистон Республикаси ветеринария тўғрисидаги Қонун ва белгиланган Низомга асосан фаолият кўрсатмоқда.

Бошқарманинг 10 та туман ва иккита шаҳарда бўлимлари бўлиб, бу ерларда ветеринария хизматлари олиб борилмоқда. Улар уй ҳайвонлари, паррандаларнинг юқумли ва юқумсиз касалликларга чалинишининг олдини олиш мақсадида муайян тадбирларни амалга оширяпти.

Бошқарма бўлимлари томонидан ўтган йил санитария ва ветеринария тўғрисидаги қонун талабларини бузган 600 дан ортиқ шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, улардан икки миллион сўмдан зиёд жарималар ундирилди. Урганч шаҳридаги бўлим эса ўтган йил ветеринария-санитария талабларини бузган 250 га яқин кишини аниқлаб, улар 300 минг сўмдан жаримага тортилди.

Бўлимнинг Урганч шаҳар марказий деҳқон бозори ва Хонқа кўчасидаги ветеринария-санитария экспертиза лабораторияси сотувга келтирилган деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотларини таҳлил қилиб, истеъмолга яроқлиларини аниқлашлари керак эди. Лекин лабораторияда деҳқончилик маҳсулотларидаги одам жисми учун хавфли бўлган нитрат қолдиғини аниқлайдиган реактивларнинг яроқлилик муддатлари, сертификатлари мавжуд эмас эди.

Бўлимда махсус юқумли касалликларга чалинган ҳайвонларни йўқ қилиш крематорийси мавжуд. Лекин бўлим бу крематорийдан ҳавога чиқадиган газ учун табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан рухсатнома олмаган. Бу билан Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш қонунининг 25-моддаси талаблари бузилган.

Ветеринария бўлимида табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ишлаб чиқилмаган. Бу ишларга маблағ ҳам ажратилмаган. Бозорларнинг лабораторияларида кўргазмали плакатлар, бурчаклар ташкил этилмаган. Суриштириб кўрилганда, кўпчилик сотувчиларда маълумотномалар йўқлиги ҳам маълум бўлди.

Айрим чайқовчи сотувчилар эса лабораториядан маълумотномаларни олишиб, деҳқонлардан сифатсиз маҳсулотларни харид қилиб, қайта сотишмоқда. Буни бозор маъмурияти ва лаборатория ходимлари кўришсада, ўзларини кўрмаганга олишмоқда. Умуман Урганч бозорларида деҳқонга қараганда чайқовчилар 5-6 баробар кўплигини айтиб ўтиш ўринли. Бу эса барча сотувчиларга лаборатория маълумотномаси беришни қийинлаштириб қўяди. Аслида барча сотувчиларда яроқли деган лабораториянинг ёрлиқлари бўлиши шарт.

Урганч туман ветеринария бўлими текширилган пайтда, туман деҳқон бозори лабораторияси ўтган йил давомида бозорга олиб келиб сотилган деҳқончилик маҳсулотларининг бирортасида ҳам нитрат ва нитрат миқдори меъёридан зиёдлиги қайд қилинмаганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу ерда ҳам табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари тузилмаган ва бу ишлар билан шуғулланувчи шахс белгиланмаган. Лабораторияда барча мақсадлар учун ичимлик сувидан фойдаланилади. Лекин тегишли ташкилотлардан ушбу сувдан фойдаланиш, чиқиндилар жойлаштирилиши учун санитария-тозалаш идораларидан рухсатнома олинмаган. Бу эса пайдо бўладиган чиқинди ва ахлатлар дуч келган жойларга ташланиб табиатни ифлослантириб турганидан далолат беради.

Гурлан тумани ветеринария бўлимида 7 та транспорт мавжуд. Уларга йил давомида олти тонна бензин сарф қилинган. Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 1 майдаги қарорига биноан ҳар бир ташкилот, муассаса ишлатилган бензинни ҳавога чиқарилган заҳарли гази учун табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг экологик жамғармасига маълум миқдорда тўлов тўлаб боришлари керак. Аммо бўлим ҳукуматимизнинг бу қарорини бажармаган.

Юқоридаги камчилик ва нуқсонлар Хива, Хонқа, Ҳазорасп, Боғот, Янгибозор, Шовот, Қўшкўпир туманларидаги ветеринария бўлимларида ҳам мавжудлиги маълум бўлди. Бу ердаги бозорларда сотилаётган қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотларини назоратдан ўтказиш тадбирлари тузилмаган. Бу эса вилоят давлат ветеринария бошқармасида қонун талаблари қониқарсиз бажарилаётганидан далолат беради.

Орол табиатни муҳофаза қилиш прокуратураси томонидан олиб борилаётган текширувлар жараёнида вазифасига масъулиятсизлик билан қараб, қонун талабларини бузган Боғот, Ҳазорасп, Қўшкўпирик туманлари ва Урганч шаҳар ветеринария бўлимлари бош шифокорлари маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

**Э.ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## *«Ишонч» газетаси ҳамда Сирдарё вилоят давлат стандартлаштириш ва метрология бошқармаси қўшма рейди*

# ОШ ТУЗИ ИСТЕЪМОЛГА ЯРОҚЛИМИ?

***Истеъмол бозорини сифатли кафолатланган маҳсулотлар билан тўлдириш давр талаби. Савдо, умумий овқатланиш шохобчалари мутасаддилари буни яхши билишади. Аммо баъзи тадбиркорлар мўмай даромад кетидан қувиб, сифатсиз, яроқлилик муддати ўтган маҳсулотларни ҳам пештахталарга жойлаб қўймоқда. Сирдарё вилоятидаги бир қатор дўконларда ана шу ҳолатга дуч келдик.***

Вилоятда тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл берилган. Шу боис ҳам ҳар қишлоқ, ҳар муюлишда хусусий дўконга рўбарў келиш мумкин. Уларнинг аксарияти ўз истеъмолчиларига сифатли маҳсулот етказиб беришга интилишади. Лекин тадбиркорлар орасида сифатни эсдан чиқараётганлар ҳам йўқ эмас. Сайхунобод туманидаги «Азимбой» хусусий фирмасини шулар қаторига қўшиш мумкин. Фирма дўкони кўздан кечирилганда пештахтада алоҳида ажралиб турган нок шарбати ва бошқа консерва маҳсулотлари яроқлилик муддатини аллақачон ўтаб бўлган экан. Энг ачинарлиси, бу ерда сотилаётган 81400 сўмлик ароқда ҳам сифат сертификати йўқ. Дўкон мутасаддиси А.Рўзимбоев бу ҳолатни эътиборсизлик дея баҳолаган бўлди. Аслида кўра-била хатога йўл қўйилаяпти. Негаки дўкондаги маҳсулот ўлчанаётган тарозида ҳам жиддий нуқсонлар бор. Аввало тарози давлат кўригидан ўтказилмаган, қолаверса бор-йўғи учтагина ўлчов тоши бор, холос.

Гулистон шаҳридаги «Камила» хусусий дўкони шаҳар аҳолиси эътиборига тушган. Аҳолининг маълум қисми шу савдо шохобчага мижоз деб билади ўзларини. Дўкон пештахтасидаги ош тузи эътиборимизни тортди. Текширишда сотувга қўйилган «Алфа» туман қайта ишлаш корхонасида ишлаб чиқарилган туз яроқлилик муддатини ўтаб бўлганлиги аниқланди. Маълумки, йодланган ош тузи сақланиш муддати уч ой, бу фурсатдан сўнг туз корхонага қайтарилиб яна йодланиши лозим. Аммо «Алфобос» тузлари ёрлиғига бу муддат 12 ой дея кўрсатилганлигини қандай баҳолаш мумкин. Бу истеъмолчини чалғитиш, саломатлигига путур етказишга олиб келмайдими: Боз устига дўкондаги тарози ҳам Хитойда ишлаб чиқарилган бўлиб давлат кўригидан ўтмаган.

– Ҳозир тадбиркорларга ҳам осон эмас, – дейди «Камила» дўкон мудири Қундузой Медарова дўкондаги ҳолатга изоҳ бера туриб. – Очиғи баъзан ҳамкор танлашда янглишиб ҳам қоламиз.

Гулистон шаҳар умумий овқатланиш масъулияти чекланган жамиятга қарашли «Махмуд ота» чойхонасида ҳам истеъмолчи алданаётган экан. Хўрандаларга тақдим этилаётган Сирдарё мева-шароб ҳиссадорлик жамиятидан олинган 10 дона «Посолское водка» ароғи давлат стандартлари талабига жавоб бермайди. Текшириб кўрилганда шиша ичида бегона жисмлар сузиб юрганлиги кузатилди. Бундан ташқари, ёрлиғига ишлаб чиқарган корхона кўрсатилмаган, сақлаш шароити ёзилмаган «Золотой колцо» ароғи ҳам тақдим этилаётгани аниқланди. Ароқларда мувофиқлик сертификати йўқ.

Ҳаммасидан ҳам ажабланарли воқеага Сирдарё шаҳрида Қамаристон деҳқон бозорида дуч келинди. Бу ерда хусусий тадбиркор Р.Ҳосилова озиқ-овқат маҳсулотларини оддий растада сотаётган экан. Аввало тадбиркорда савдога рухсат берувчи патент йўқ. Қолаверса сотувдаги колбаса, сосиска, сариёғ, маргарин ва турли консерва маҳсулотларига сифат сертификати олинмаган. Давлат кўригидан ўтмаган, ойналари синиб талабга мутлақо жавоб бермайдиган тарозидан фойдаланилаётир.

Аниқланган барча камчиликларга вилоят давлат стандартлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан чек қўйилди. Истеъмолчилар манфаатига путур етказишга уринган барча корхона ва хусусий тадбиркорларга иқтисодий жарималар қўлланилди. Дахлдор идоралар огоҳлантирилди. Истеъмолчи манфаати қонун муҳофазасида, унга путур етказишга уриниш жазосиз қолмайди.

**Аброр РЎЗИЕВ,**
**Сирдарё вилоят давлат стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи ўринбосари**
**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» махсус мухбири**

# «2-сонли Автокомбинат» ОАЖ

**09-сонли Хабар**

15 апрел 2004 йил соат 10.00 да «2-сонли Автокомбинат» ОАЖ мажлислар хонасида, Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани, С.Сегизбаев кўчасидаги 3а манзилда акциядорларни йиллик умумий мажлиси ўтказилди. Мажлисда иштирок этган акциялар сони 307700 дона, жамиятнинг овоз бериш ҳуқуқига эга оддий акциялари 68 фоиз

Кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш бюллетенлар асосида амалга оширилди.

**МУҲОКАМА ЭТИЛГАН МАСАЛАЛАР ВА ОВОЗ БЕРИШ НАТИЖАЛАРИ.**

1.Жамиятнинг 2003 йил молиявий хўжалик фаолияти тўғрисидаги Бошқарув кенгаши ҳисоботи ва унга баҳо бериш.
Розилар (қониқарли) - 307700 акция
Қаршилар (қониқарсиз) - йўқ
Бетарафлар - йўқ

2. Жамият фойдаси ва зиёни тўғрисидаги аудитор томонидан тасдиқланган 2003 йил бухгалтерия балансини тасдиқлаш
Розилар - 307700
Қаршилар - йўқ
Бетарафлар - йўқ

3. Жамият тафтиш гуруҳи далолатномаси ва аудитор текширувининг 2003 йил якунлари бўйича хулосасини тасдиқлаш
Розилар - 307700
Қаршилар - йўқ
Бетарафлар - йўқ

4. Жамиятнинг 2003 йилги фойдасини тақсимлаш
Розилар - 190441
Қаршилар - 117259
Бетарафлар - йўқ

5. Жамиятнинг 2004 йилга бизнес режасини тасдиқлаш
Розилар - 307700
Қаршилар - йўқ
Бетарафлар - йўқ

6.Жамиятнинг 2004 йилга аудиторини тасдиқлаш
Розилар - 307700
Қаршилар - йўқ
Бетарафлар - йўқ

7. Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботи
Розилар - 307700
Қаршилар - йўқ
Бетарафлар - йўқ

8. Жамият Бошқарув кенгаши раиси билан 1 йил муддатга шартнома тузиш
Розилар - 307700
Қаршилар - йўқ
Бетарафлар - йўқ

9. Жамият Бошқарув кенгаши, кузатув кенгаши, тафтиш гуруҳи харажатлар сметасини тасдиқлаш
Розилар - 307700
Қаршилар - йўқ
Бетарафлар - йўқ

10. Жамият Бошқарув кенгаши, кузатув кенгаши раҳбарларини ва аъзоларини моддий рағбатлантириш Низомларини тасдиқлаш
Розилар - йўқ
Қаршилар - 307700
Бетарафлар - йўқ

11. ОАЖ «2-сонли Автокомбинат»ни, «Тошшаҳарйўловчитранс» АЖ таркибига киришини тасдиқлаш
Розилар - 307700
Қаршилар - йўқ
Бетарафлар - йўқ

12. Бошқарув кенгаши аъзоларини қўшимча сайлови.

| | Розилар | Қаршилар | Бетарафлар |
|---|---|---|---|
| 1.Исаев С.Л | 307700 | йўқ | йўқ |
| 2.Русанова И.В. | 307700 | йўқ | йўқ |
| 3.Алимбобоев М. | 307700 | йўқ | йўқ |

13. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини қўшимча сайлови

| | Розилар | Қаршилар | Бетарафлар |
|---|---|---|---|
| 1. Алтыев Қ.У. | 307389 | 311 | йўқ |
| 2.Турсунов И.Б. | 307389 | 311 | йўқ |
| 3.Ҳайдархонов Б.А. | 307389 | 311 | йўқ |

**АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ МАЖЛИСИ ҚАРОРИ**

1. Жамиятнинг 2003 йил молиявий хўжалик фаолияти тўғрисидаги Бошқарув кенгаши раисининг ҳисоботи қониқарли баҳолансин.

2. Жамият фойдаси ва зиёни тўғрисидаги аудитор томонидан тасдиқланган 2003 йил бухгалтерлик баланси тасдиқлансин.

3. Жамият тафтиш гуруҳи далолатномаси ва аудитор текширувининг 2003 йил якунлари бўйича хулосаси тасдиқлансин.

4. Жамиятнинг 2003 йилги фойдасининг имтиёзли акцияларга дивидент тўлашдан қолган қисми реинвестиция фондига йўналтирилсин.

5. Жамиятнинг 2004 йилга бизнес режаси тасдиқлансин.

6. Жамиятнинг 2004 йилга аудитори этиб «АММ-Автоаудит» хусусий фирмаси тасдиқлансин.

7. Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботи тасдиқлансин.

8. Жамият Бошқарув кенгашининг раиси О.О.Қўчқоров билан 1 йил муддатга шартнома тузилсин.

9. Жамият Бошқарув кенгаши, кузатув кенгаши, тафтиш гуруҳи харажатлар сметасини тасдиқлансин.

10. Жамият Бошқарув кенгаши, кузатув кенгаши раҳбарларини ва аъзоларини моддий рағбатлантириш Низомлари тасдиқланмасин.

11. ОАЖ «2-сонли Автокомбинат»ни «Тошшаҳарйўловчитранс» АЖ таркибига кириши тасдиқлансин.

12. Жамият Бошқарув кенгашига Исаев С.Л., Русанова И.В, Алимбобоев М. янги аъзолар этиб сайлансин.

13. Жамият кузатув кенгашига Алтыев Қ.У., Турсунов И.Б, Ҳайдархонов Б. янги аъзолар этиб сайлансин.

**ОАЖ «2-сонли Автокомбинат» раҳбарлари таркибидаги ўзгаришлар.**
**10-сонли Хабар**

- Ўзгаришлар содир бўлган бошқарув органи – Бошқарув кенгаши Бошқарув кенгаши таркибидан чиқарилганлар: Устав жамғармадаги ҳиссаси
  - Дадабоев Т.Т. - 0,01 фоиз
  - Кисель Н.А. - 0,01 фоиз
  - Артикходжаев Ф.А. - 0,07 фоиз

Бошқарув кенгашига сайланганлар: Устав жамғармадаги ҳиссаси
- Исаев С.Л. - 0,02 фоиз
- Русанова И.В. ——
- Алимбобоев М. - 0,02 фоиз

Кузатув кенгаши таркибидаги чиқарилганлар: Устав жамғармадаги ҳиссаси
- Измайлов Р. ——
- Юнусметов Т. ——
- Ходжаев С ——

Кузатув кенгашига сайланганлар: устав жамғармадаги ҳиссаси
- Алтыев Қ.У ЎзР ТИФ МБ ——
- Турсунов И.Б. «АВИА» банк ——
- Ҳайдархонов Б.А. СГАИ «Замин» банк——

Қарор қабул қилинди акциядорларни умумий йиғилишида.

Ўзгаришлар содир бўлган сана – 15 апрел 2004 йил.

**ОАЖ «2-сонли Автокомбинат»**
**Бошқарув кенгаши**

**Уважаемые акционеры ОАО «Узхимфарм!»**
**18 мая 2004 года в 15.00 часов состоится открытое акционерное собрание по адресу: город Ташкент, Мирабадский район, ул.Т.Шевченко, 23 в административном здании ОАО «Узхимфарм»**

**Повестка дня:**

*1. Отчет Наблюдательного Совета*
*2. Отчет Исполнительного органа*
*3. Отчет Ревизионной комиссии*
*4. Утверждение бухгалтерского баланса, отчета прибылей и убытков*
*5. Выборы Наблюдательного Совета*
*6. Выборы Исполнительного органа*
*7. Выборы Ревизионной комиссии*
*8. Утверждение председателя правления*
*9. Утверждение аудитора*
*10. Мероприятия по экономическому улучшению АО*
*11. Изменения и дополнения в Устав АО*

**Наблюдательный Совет**

# БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗГА ЭҲТИРОМ

(Боши-1бетда)

Сафар давомида буюк аждодларимизнинг қабр - мақбаралари ва темурийлар даврида яратилган тарихий обидалар зиёрат қилинди, улар ҳақида тегишли маълумотлар тўпланди. Эронда Абулқосим Фирдавсий, Умар Ҳайём, Фаридиддин Аттор, Абу Али ибн Сино, Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий ҳамда Туркияда Жалолиддин Румий қабр-мақбаралари талаб даражасида таъмирланиб, зиёратгоҳларга айлантирилганининг гувоҳи бўлдик.

Ўзининг илм-фандаги кашфиётлари билан дунёга «Муаллими соний» дея танилган туронзамин фарзанди машҳур аллома Абу Наср Форобийнинг қабри Сурия пойтахти Дамашқ шаҳридаги «Бобус соғир» қабристонида жойлашган. Ўрта асрнинг етук астроном ва математиги Мирзо Улуғбекнинг сафдоши ҳамда шогирди Али Қушчи эса Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Авлиё Айюб Ансорий қабристонида дафн этилган. Заҳириддин Бобурнинг ўғли шоир Комрон Мирзо Саудия Арабистонининг Маккаи мукаррама шаҳридаги «Жаннат-ул Маъло» қабристонида Муҳаммад пайғамбаримизнинг аҳли аёли Хадича она қабрининг қуйи томонида дафн этилганига аниқлик киритилди.

Арабистон ярим оролидаги мамлакатларда илмий изланишлар олиб бораётган чоғимизда ҳаж мавсуми бўлгани туфайли биз ҳам бу ибодатларни адо этдик.

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийни халифа Маъмун ўз даврида Хоразмдан Бағдодга олиб кетган. Аллома у ерда астрономия, математика каби фанлар соҳасида кўплаб илмий кашфиётлар қилган.

Биз уч кун давомида Ироқнинг Бағдод шаҳридаги «Байтул ҳикма» («Донолар уйи»)нинг Абдужаббор Нажий бошчилигидаги илмий ходимлари билан ал-Хоразмий фаолият олиб борган кутубхонада, яшаган маҳаллада бўлиб, буюк аждодимиз қолдирган бой илмий мерос ҳақида фикр алмашдик.

Ҳамюртимиз ўзи яшаган Қутрибул маҳалласидаги қабристонга дафн этилгани маълум бўлди. Биз жаноб Абдужаббор Нажий ёрдамида шаҳарнинг шимолий қисмидаги Имом Аъзам мақбара - масжидини зиёрат қилиб, Қутрибул маҳалласида бўлдик.

«Байтул ҳикма» билан Бобур халқаро жамғармаси Ўзбекистондаги Маъмун академияси иштирокида ал-Хоразмий фаолиятининг бизга номаълум қирраларини ҳамкорликда ўрганиш, илмий янгиликлар билан ўртоқлашиш хусусида фикрлашилди. Бағдодда тинчлик-осойишталик юзага келгач, Хоразмийнинг дафн этилган жойини аниқлаб, қабр устига ёдгорлик ўрнатиш ва у жойни ободонлаштириш ҳақида келишилди.

Эроннинг машҳур алломалари Ҳофиз Шерозий ва Саъдий Шерозий яшаб ижод қилган Шероз шаҳрида буюк ватандошимиз, машҳур шоир Ҳофиз Хоразмий абадий қўним топган.

Шероз университети олимлари, ҳофизшунослик маркази ходимлари ва бошқа зиёлилар билан мулоқотларимиздан маълум бўлдики, ҳозирги Ҳофиз Шерозий ёдгорлик мажмуи ўрни бундан 50-60 йил аввал қабристон бўлган. Демак, аллома шоиримиз ҳам ўша жойда дафн этилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз даврида араб алифбосини туркий талаффузга мослаб ислоҳ қилиб, янги алифбо яратган. Мазкур алифбода Қуръони каримни кўчириб, Маккаи мукаррамага юборган. Бобуршуносликда «Хатти Бобурий» деб ном олган бу алифбо ҳақида маълумот учраса-да, ҳанузгача унинг намунаси топилмаган эди.

Биз борган мамлакатларнинг кутубхона, музей ва илмий даргоҳларидаги учрашув ва изланишлар ўз самарасини берди, Машҳад шаҳридаги Имом Ризо мажмуаси музейида сақланаётган «Хатти Бобурий»да кўчирилган Қуръони карим нусхасини юртимизга олиб келишга муваффақ бўлдик. Ҳозирги вақтда бу ноёб қўлёзмани ўрганиш ишлари бошлаб юборилди.

Эрондан «Бобурнома»нинг форс тилида битилган нусхасини, кўпчиликка яхши маълум бўлмаган янги ғазалларини, Бобур Мирзо ҳақидаги илмий мақола - маълумотларни ҳам олиб келишга муяссар бўлдик.

Бироқ илмий сафар давомида киши юрагини ўртагувчи аянчли ҳолатларга ҳам дуч келдик. Абу Наср Форобий қабри Сурия пойтахти Дамашқдаги «Бобус соғир» қабристонининг бир бурчагида қаровсиз ётганини кўрдик. Қабр мақбарасиз, бетондан қилинган қабртош эса эскирган, нураган, унга мих билан кичкина лавҳа осиб қўйилган. Хавотирли жиҳати, бу ҳолда яқин йилларда Форобий қабридан ном-нишон қолмаслиги мумкин.

Шундай фикрларни буюк математик ва мунажжим Али Қушчининг Истанбулдаги Авлиё Ансорий мақбарасидаги қабри ҳақида ҳам айтиш мумкин. Қабрлар ниҳоятда зич жойлашган. Йўл йўқлиги ва сағана тошига битилган ёзувлар эскириб кетгани сабабли қабрни топиш жуда қийин.

Юртимизда фаолият юритаётган хайрия жамғармалари ва мутасадди ташкилотлар ЮНЕСКО билан ҳамкорликда дунёга донг таратган ҳамюртимиз қабрини тиклаб, атрофини ободонлаштириб, ёдгорлик ўрнатса, хайрли иш бўларди. Масалан, Афғонистон ҳудудида жойлашган Камолиддин Беҳзод, Абу Райҳон Беруний ва Бобораҳим Машраб каби буюк аждодларимизнинг қабр - мақбараларини таъмирлаш - ободонлаштириш лойиҳаларини тузишни 2004-2005 йиллар давомида амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Бобур халқаро жамғармаси буюк аждодларимизнинг номларини абадийлаштириш, улар қолдирган бой илмий-маданий меросни жамлаш, қабрларини ободонлаштиришдек эзгу ишларни бундан кейин ҳам изчил давом эттиради.

**ЎзА мухбири**
**Норали ОЧИЛОВ**
**суҳбатлашди**

*Болалар спорти*

# ИШТИЁҚ

Бир вақтлар ўзининг довруқли полвонлари билан донг таратган Китоб туманида кейинги пайтда жисмоний тарбия ва спортга, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга эътибор сусайиб кетди.

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда болалар спортини ривожлантириш, янги иншоотлар барпо этиш соҳасидаги ишлар чуқур таҳлил қилиниб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш вазифалари белгилаб берилди. Туман ҳокимлиги, тегишли мутасадди ташкилотлар қишлоқ ёшларини спортнинг оммавий турларига жалб этиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш дастурини ишлаб чиқдилар.

Ҳозирги пайтда туман мактабларида таълим олаётган 50 мингдан зиёд ўғил-қизлар спортнинг ҳар хил турлари билан шуғулланишяпти. 10 минг нафар бола спорт тўгараклари ва секцияларига жалб этилган. Бунда мавжуд 2 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоасининг хизмати салмоқли албатта. Уларда айни вақтда 2 минг нафар ўқувчи билим олаяпти.

Спорт мактабдан бошланади. 91 та мактабнинг спорт майдончалари таъмирдан чиқарилиб, қўшимча ўйингоҳлар қурилди. Тоғ кўчкисидан азият чеккан ва янгитдан барпо этилган Қабзахона қишлоғида ёпиқ спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Мажмуада юздан ортиқ қишлоқ болалари спортнинг миллий кураш, каратэ, таэквондо, футбол, волейбол турлари билан машғул.

Шунингдек, Мирзо Улуғбек ва М.Бобоев номли ширкат хўжаликлари ҳудудида жойлашган мактабларда янги спорт майдончалари қуриб битказилди.

Болалар спортини йўлга қўйишда китоблик тадбиркорларнинг ҳиссаси салмоқли бўляпти. Саховатли тадбиркорлар ҳиммати билан Янгиобод маҳалласида ўйингоҳ, Ҳамид Олимжон маҳалласида спорт зали қурилди. Алишер Навоий номли хўжаликда бўш бино таъмирланиб, кураш тўгараги очилди.

Жисмоний тарбия ва спорт оммалашгандагина ҳар бир киши қалбидан жой олади. Й.Охунбобоев ва Р.Шайманов номли хўжаликларда бунёд этилиши керак бўлган ўйингоҳлар вақтида ишга туширилмаганлиги туманда соҳага эътиборни янада кучайтиришни тақозо этади.

Боз устига 7 та қишлоқда спорт иншоотлари йўқ. Бу масканларда истиқомат қилаётган 3 мингга яқин боланинг спорт билан шуғулланиши учун шароит етарли эмас. Аҳволни яхшилаб, спортга чанқоқ ёшлар учун қулайлик яратиш давр талаби эканлигини ҳеч ким ва ҳеч қачон унутмаслиги керак.

**И.ИСОМИДДИНОВ**



*Халқ ҳунармандчилиги*

# УСТА

Халқ амалий санъати бадиий ҳунармандчиликнинг 20 дан ортиқ турини ўз ичига олади. Ўзига хос бадиий ижодиёт намунаси сифатида кулолчиликнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга.

Гўзал санъат асарлари ижодкори Ботир Пардаев кулолчиликнинг нозик қирраларини ўз сопол буюмларида акс эттирмоқда. У Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида таваллуд топган. 1989-1991 йилларда Белоруснинг Бобруйск шаҳридаги бадиий билим юртининг бадиий кулолчилик бўлимида таҳсил олган.

Сўнг у она Ватанига қайтгач ўзининг кулолчилик устахонасини ташкил этди.

- Менинг асосий ижодий изланишларим, - дейди кулол, -қадимий Бактрия кулолчилик санъати сирлари устида ишлаб, ушбу йўналишда асарлар яратиш ва ҳунармандчиликни давом эттиришдир.

Қадимий Бактрия кулолчилиги ўзининг нафислиги, бетакрорлиги билан бошқа санъат турларидан ажралиб туради. У Ботирни ёшлигидан ўзига мафтун этганди. Дала, адирлардан антиқа сопол идиш синиқларини топиб, ҳайратга чўмар эди. Уларнинг бундан 4-3 минг йиллар олдин ясалганлиги, Шеробод қадимда йирик кулолчилик маркази бўлганлигини эшитган ёш Ботир қалбида улуғ мақсадлар уйғонади.

Ботир Пардаев ўз соҳасининг устаси. У Жарқўтон, Кампиртепа, Далварзинтепалардан топилган археологик қазилмалар асосида қайта тиклаш ишларини олиб бормоқда. Кулол ноёб буюмлар ижод қилиш билан бирга вилоят тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатида ёшларга бадиий кулолчилик сирларидан сабоқ бермоқда.

**Раъно ФАЙЗУЛЛАЕВА**

*Олис қишлоқда*

# НАМУНАЛИ ИЛМ МАСКАНИ

***Сўлим Бойсуннинг Қорабўйин қишлоғи аҳли туманда илм-маърифат шайдоси сифатида ном қозонган. Қишлоқнинг қоқ ўртасида икки қаватли замонавий мактаб биноси қад ростлаган. Унда қарийб 900 нафарга яқин ўқувчи таълим-тарбия олади. Ёшларга 57 нафар ўқитувчи турли фанлардан сабоқ бериб келмоқда.***

Ушбу мактаб биноси истиқлолимизнинг дастлабки йилларида қишлоқ ёшларига туҳфа этилган бўлиб, унда кутубхона, спорт зали, компьютер хонаси, клуб ва мониторинг хонаси фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, ҳукуматимиз томонидан 13 дона компьютер совға қилиниши ўғил-қизлар учун шодиёнага айланди. Улар малакали педагоглар кўмагида компьютер сирларини ўрганишмоқда.

Мактаб дарвозасидан киришингиз билан баҳри-дилингиз очилади. Кўм-кўк арчалару хилма-хил мевали ва манзарали дарахтлар киши қалбига ҳузур-ҳаловат бағишлайди. Заллар замонавий усулда дид билан жиҳозланган бўлиб, бошланғич синфлар, аниқ фанлар, адабиёт, тарих ва бошқа фанлар учун алоҳида бўлимларга ажратилган.

Ўзларининг ҳалол меҳнатию билимдонлиги билан эл назарига тушган ўқитувчилар Х.Холов, Р.Шоҳимардонов, К.Эшонқулов, Р.Шомуродов, Б.Кенжаев, Ж.Равшановлар ҳаётлари мазмунини ёш авлодга юксак таълим-тарбия беришда деб билишади. Уларнинг заҳматли меҳнати натижасида мактаб ўқувчилари ҳар йили фан олимпиадаларида фаол қатнашиб, вилоят ва республика босқичларида юқори ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Хусусан, жорий йилнинг январ ойида ўтказилган вилоят босқичидаги фан олимпиадасида 3 нафар ўқувчи фахрли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлди.

Мактаб спорт зали ўқувчилар шуғулланишлари учун барча қулайликларга эга. Малакали жисмоний тарбия ўқитувчилари Б.Тўрақулов ва Ж.Равшанов бошқараётган дарсдан кейинги тўгарак машғулотлари ўғил-қизларнинг жони-дилига айланган.

**Алишер РАҲМОНОВ,**
**«Ишонч мухбири**

Хўжаобод туман халқ таълими бўлимига қарашли 1-болалар боғчасида меҳнаткашларнинг 200 нафар болалари тарбияланишмоқда. Боғчада кичкинтойларнинг яйраб ўсишлари, таълим-тарбия олишлари учун барча шароитлар яратилган.



***Суратда: боғча мудираси Малика Тўхтаева ва Малика Йўлдошевалар жажжилар даврасида.***

**И.ҲАСАНОВ**
**олган сурат**

*Футбол*

# МУҲИМИ ОЧКО...МИ?
## ёхуд турдан-турга голлар сони нега камайиб бораётир?

***24 та, 23 та, 22 та, 20 та, 17 та... Зукко футбол мухлислари дарҳол тушуниб етишди - бу XIII миллий чемпионатимиз олий лигаси ўйинларида дарвозаларга киритилаётган голлар саноғи. Эътибор қилган бўлсангиз, турдан-турга футболчиларимизда тўпурарлик қобилияти пасайиб бораётир. Агар дастлабки уч турда кўплаб йирик ҳисоблар қайд этилган бўлса, кейинги турларда бу нарса кўзга ташланмаётир.***

Бу айниқса, олтинчи турда яққол намоён бўлди. Олти ўйинда («Металлург»-«Самарқанд-Д» командалари бугун учрашади) бор-йўғи 11 та тўп киритилди. Биз аввалги шарҳимизда «Пахтакор» жамоаси «Навбаҳор» устидан 3:0 ҳисобида устун келганини айтиб ўтгандик. Муборакда «Машъал» клуби «Зарафшон»нинг «Қизилқум» жамоасини қабул қилиб, дурангга имзо чекди. Ушбу учрашувда командалар икки мартадан ўйинни майдон марказидан бошлашларига тўғри келди. Қолган матчларда эса бир хилда ҳисоб қайд этилди: «Нефтчи» - «Насаф» 1:0, «Локомотив» - «Бухоро» - 0:1, «Андижон» - «Трактор» - 1:0, «Сурхон» - «Сўғдиёна» - 1:0.

Бу яхшими ёки ёмон? Албатта, футбол дарвозаларнинг ишғол қилиниши билан қизиқарли. Лекин баъзан биз шундай матчлар гувоҳи бўламизки, тўқсон дақиқалик муросасиз кураш охир-оқибат ҳеч бир томоннинг устунлигини аниқламай ниҳоясига етади. Шунга қарамай ишқибозлар майдонда астойдил тер тўккан, бир маҳоратларини ишга солган, худди энг сўнгги учрашувни ўтказаётгандек ўзини аямай тўп сурган футболчиларни қизғин олқишлаб кузатиб қўйишади.

Куни кечаги ўйинларга нисбатан ҳам шундай фикрни қўллаш мумкинми? Чамаси, бундай тантилик учун ҳали эртага ўхшайди. Ҳатто нурсиз ўйинлар кўпайиб бораётгандек. Кўзни қувнатадиган дриблингларни қўя турайлик, машғулотларда жиддий эътибор қаратилиши лозим бўлган комбинацион ўйин ҳам жуда кам кузатиляпти. Шиддатли ва муросасиз курашлар бўлмаган учрашувларни ким ҳам соғиниб яшарди.

Миллий чемпионат - терма жамоа ва халқаро майдонда тўп суриш масъулияти юкланган клублар учун айниқса аҳамиятлидир. Суст ва бамайлихотир учрашувларга ўрганиб қолган футболчилар масъулиятли дамларда керагича маҳорат намойиш эта олмасликлари мумкин. Бошқача айтганда, ички чемпионат ўйинларида муросасизликка ва шиддатга эришмай туриб, халқаро майдонда муваффақият қозониб бўлмайди. Буни энг аввало клубларнинг мутасаддилари ёдда тутишлари лозим.

**20 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН ВАЗИЯТ**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. «Пахтакор» | 6 | 6 | 0 | 0 | 21-1 | 18 |
| 2. «Нефтчи» | 6 | 5 | 0 | 1 | 14-3 | 15 |
| 3. «Навбаҳор» | 6 | 4 | 1 | 1 | 13-3 | 13 |
| 4. «Насаф» | 6 | 4 | 0 | 2 | 15-5 | 12 |
| 5. «Трактор» | 6 | 3 | 0 | 3 | 7-13 | 9 |
| 6. «Локомотив» | 6 | 2 | 2 | 2 | 7-4 | 8 |
| 7. «Қизилқум» | 6 | 2 | 2 | 2 | 9-12 | 8 |
| 8. «Бухоро» | 6 | 2 | 1 | 3 | 4-12 | 7 |
| 9. «Сурхон» | 6 | 2 | 0 | 4 | 8-14 | 6 |
| 10. «Металлург» | 5 | 2 | 0 | 3 | 4-11 | 6 |
| 11. «Машъал» | 6 | 1 | 2 | 3 | 8-8 | 5 |
| 12. «Сўғдиёна» | 6 | 1 | 1 | 4 | 2-7 | 4 |
| 13. «Андижон» | 6 | 1 | 1 | 4 | 4-11 | 4 |
| 14. «Самарқанд-Д» | 5 | 1 | 0 | 4 | 3-12 | 3 |

*Хабарлар оқимидан*

# ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

***Мамлакатимизда «Мактаб - кутубхона – оила – жамоат ташкилотлари» хайрия тадбирини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Халқ таълими вазирлигининг 2003-2004 ўқув йилини умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш ўқув йили деб эълон қилиш ҳақидаги ҳайъат мажлиси қарорига биноан ташкил этилаётган бу саъй-ҳаракат мактаб кутубхоналарини янги адабиётлар билан бойитиш имконини бермоқда.***

Бу сафарги хайрия тадбири ҳам оммавий тус олди. «Умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш ҳаракат дастури» доирасида жойларда ибратли ишлар амалга оширилди. Мактаб жамоалари, маҳалла, ҳомий ташкилотларининг кўмагида мактаб кутубхоналарига кўплаб маблағ туширилди. Ўқувчиларнинг ўзлари эса мактаб кутубхоналарига талайгина номдаги адабиётларни тортиқ қилишди.

Республика илмий-педагогика кутубхонасида ўтказилган хайрия тадбирининг якунловчи босқичида эришилган ютуқлар сарҳисоб қилинди.

# ФАХРЛИ МЕДАЛ СОҲИБАСИ

***Россиянинг Кемерово вилояти губернатори томонидан таъсис қилинган фахрли медал «Ишонч ва эзгулик» деб номланади. Бундай нуфузли мукофот билан жўшқин фаоллик кўрсатаётган фидойилар тақдирланмоқда.***

Ўзбекистонлик олима ва шоира Нодира Рашидова ҳам яқинда ана шундай шарафга муяссар бўлди. Биз шоирани атоқли шоир Усмон Носирнинг садоқатли жияни сифатида ҳам яхши биламиз.

Зеро, Усмон Носир Кемерово вилояти тупроғида оламдан кўз юмганидан кўпчиликнинг хабари бор. Мана шунга 60 йил бўлди. Шу сана муносабати билан Кемеровода шоир хотираси кунлари нишонланди. Ушбу тадбирларда Нодира Рашидова ҳам қатнашиб, оташнафас шоир – амакиси ҳақида ўз хотираларини гапириб берди.

Кемеровода чоп этилган «Сибир шеърлари» тўпламига дастхатлар ёзиб, адабиёт мухлисларига тортиқ қилди. Усмон Носир ижодини кенг тарғиб қилаётгани учун шоирага «Ишонч ва эзгулик» медали топширилди.

**Акбар АЛИЕВ**

*Саломатлигингиз ўз қўлингизда*

***Сиқилган кишига кулги бахш этмоқ,***
***Бир ботмон қанддан ҳам билгил, яхшироқ.***
***Шакардан топади маза оғиз, тил,***
***Кулгидан топади лаззат руҳи дил.***
***Юзларинг буришиқ тун каби қаро,***
***Тонгдек кул, йўқолсин ажин, можаро.***

**Абдураҳмон ЖОМИЙ**

# КУЛГУ– ЧЕҲРАНИНГ ГУЛИ

Халқимиз азалдан аския, пайровга ўч. Айниқса, миллий байрам, тўй ва меҳмондорчиликларда қизиқчилар аския, ҳазил, мутойиба билан барчани хурсанд қилганлар. Бундай davраларда чарчоқ унутилиб, юракнинг чигили ёзилган беғараз кулги дармон-дори сифатида одамларга руҳий қувват бахш этган. Шу боисдан одамлар тўпланган жойда албатта қаҳ-қаҳа, аския, латифагўйлик ҳамроҳ бўлган. Маълумки, турғунлик даврида маъмурий-буйруқбозлик, амалпарастлик касалига мубтало бўлган айрим мансабдорлар жамоат жойларида, ҳатто дам олиш масканларда обрўли, лавозимли кишилар олдида кулишни эскилик сарқити, маданиятсизлик белгиси деб ҳисоблашган. Мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларимиз қаторида аския, пайров, ҳажвий қўшиқларимиз қайта тикланди. Чойхона ва истироҳат боғларимизга қаҳ-қаҳа яна қайта файз бағишлади.

Лекин кулишда ҳам кулиш, аския ва пайровларда ҳам меъёр мавжуд бўлиб, қаерда, қачон, кимлар даврасида, қай йўсинда кулишни билиш юксак маънавият ва маданият белгиси ҳисобланади.

Чиндан ҳам кулги одамни дард-ҳасратдан, ғам-ташвишдан фориғ этадиган, кўнглига ёруғ нур бағишлаб, яшашга, саломатликка, гўзалликка ундайдиган куч бўлиб хизмат қилиб келганлиги тарихдан маълум. Бежизга доно халқимиз «кулги – саломатликнинг танқис шифоси, чеҳранинг гули», – деб таърифламаган. Бутун вужуди билан яйраб кулиш инсон организми учун худди сув ва ҳаво каби табиий заруратдир. Агар шодлик, вақтичоғлик бўлмаса, зеҳн ўтмаслашиб, заифлашишини буюк алломалар таъкидлаб ўтишган. Чиндан ҳам, одам юракдан, ёзилиб кулса, соғлиғи яхшиланади, енгил тортади, руҳи тетиклашади, иштаҳаси очилади. Умри узаяди. Машҳур аскиячимиз Юсуфжон қизиқ Шакаржонов: «Кулинг, дўстлар, умрингиз узоқ бўлади!» деб бежиз айтмаган. Кулги бутун организмга таъсир қилиб, унинг ҳаётий фаоллик даражасини (тонусини) оширади. Кулгидан киши кайфияти кўтарилади, димоғи чоғ бўлади. Физиологларнинг илмий текширишларига қараганда кулги, хурсандчилик натижасида меъда ҳажми кичиклашиб, тўлқинсимон кенгайиш ва торайиш ҳаракатлари кучайиб, овқат тез ҳазм бўлади ва организмга яхши сингийди. Шунингдек, кулги аввало бош мия учун куч-қувват бахш этади. Чунки одам кулганда юз мушаклари қисқариб, бошдаги томирлардан вена қони равон ҳаракатланади. Артерия томирларидаги кислород ва озиқ моддаларга бой бўлган қон ҳаракати эса ўзгармайди. Натижада капеллярларда (қилтомирларда) босим ошади, бош мия қон билан яхши таъминланади. Энг муҳими, кулги мия қобиғидаги импульсларнинг юришини тезлаштиради. Бу эса янги ахборотларни қабул қилиш ва вақтида ўзлаштиришга ёрдам беради. Натижада мия чарчамайди, зўриқмайди. Бундан ташқари, кулги ўпкада ҳаво алмашинувини яхшилаб, кишининг меҳнат қобилиятини оширади, иродани мустаҳкамлайди. Шунингдек, нафас олиш аъзолари фаоллашади. Чунки кулги чуқур нафас олиш билан бошланади ва «хо,хо,хо» ёки «ҳа,ҳа,ҳа»да нафас бўлиб-бўлиб чиқарилади. Кўпчилик олимларнинг фикрича, кўкрак қафасининг кенгайиши, худди насос сингари, бошда ишланган қонни тортади ва вена томирларида қон босимини камайтиради. Кулги эса бу ўзгаришларни активлаштириб, қон оқимини яхшилайди, бошқача айтганда мияни ва ички аъзоларни ўзига хос массаж қилади. Одам маза қилиб кулгандан кейин енгил тортишига, руҳи тетиклашишига сабаб ҳам шу бўлса керак.

Одамни завқ-шавқ билан кулдирадиган, унга руҳий озуқа берадиган воситалардан бири сатира-юмор. Қуйидаги фойдали маслаҳатларимиз шу ҳақда.

Енгил ва беозор ҳазилкашликка одатланинг.

***

Кулги қўзғовчи ҳажвий асарлар, латифа ва ҳангомаларни кўп ўқинг. Яхши кайфият берувчи телефильмларни тез-тез кўриб, қизиқарли радиоэшиттиришларни тинглаб мириқиб дам олинг. Кайфиятни кўтарувчи, кулгили воқеа-ҳодисаларга чалғиб, ҳар куни ақалли ярим соатча бўлса-да руҳий ҳордиқ олинг, хасталикларни бутунлай унутинг.

Абу Али ибн Синонинг: «Бемор кулаётган лаҳзалари юз фоиз соғлом одам ҳолатида бўлади!» – деган гапини ҳар доим эсда сақланг.

**Сафар МУҲАММАДИЕВ,**
**доцент**

Курортлар бошқармаси қошидаги 1999 йилдан фаолияти тўхтатилган «Йўлланмалар сотиш бюросининг» муҳри ва тамғаси йўқолганлиги туфайли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги Й.Охунбобоев номли 45-ўрта мактаб томонидан Атауллаева Муҳайё Обиджоновнага 1995 йилда берилган №000069 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 16696 Буюртма Г— 517 1 2 3 4 5